

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.05/29.04.2022.QX. 13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДЖАББАРОВ ЗИКРИЛЛО АБДУМАХСУДОВИЧ**

**ОДДИЙ НОК (*Pyrus communis*. L) МЕВАЛАРИНИ САҚЛАШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.11 – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy  
(PhD) on agricultural sciences**

**Джаббаров Зикрилло Абдумаксудович**

Оддий нок (*Pyrus communis* L.) меваларини сақлаш технологиясини  
такомиллаштириш..... 3

**Джаббаров Зикрилло Абдумаксудович**

Совершенствование технологии хранения плодов груши обыкновенной  
(*Pyrus communis* L.) ..... 21

**Djabbarov Zikrillo Abdumakhsudovich**

Improvement of pear (*Pyrus communis* L.) fruit storage technology..... 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 41

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.05/29.04.2022.QX. 13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДЖАББАРОВ ЗИКРИЛЛО АБДУМАХСУДОВИЧ**

**ОДДИЙ НОК (*Pyrus communis*. L) МЕВАЛАРИНИ САҚЛАШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.11 – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси "Ўзбекистон Республикаси"нинг  
аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Qx1224 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажаришган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-  
саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «Ziyoueto» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyoueto.uz](http://www.ziyoueto.uz))  
жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Исламов Соҳиб Яхшибекович,</b> кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оponentлар:</b>	<b>Додиев Қўчқор Одилович,</b> техника фанлари доктори, профессор. <b>Шамшиев Жаъфар Абдусаломович,</b> кишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори (PhD).
<b>Етафакт таъкилот:</b>	<b>Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтини</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги  
DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил 5 апрел соат 16:00 даги  
мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100164, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-  
48-00; факс: (+99871) 260-38-60, e-mail: [taq-ifo@tdau.uz](mailto:taq-ifo@tdau.uz); Тошкент давлат аграр университети  
мамурий биноси, 1-қavat, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида  
ташиши мумкин (№550573-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100164, Тошкент,  
Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси.  
Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2024 йил 20 март куни тарқатилади.  
(2024 йил 27 февралдаги 8-рақамли реестр баённомаси).



**Ж.Н. Файzieв,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси ўринбосари, к.х.ф.д.,  
профессор.

**М.Э. Халмуратов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д. (PhD),  
доцент.

**С.А. Юнусов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби илмий семинар  
раиси, к.х.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фан доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда аҳолини озиқ-овқат рационада мевалар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, экспортбоп товар сифатида етакчи ўринларни эгалламоқда. Бугунги кунда уруғли мева турларидан нок мевасини етиштириш ҳажмини ошириш ва уни сифатли сақлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, “дунё бўйича жами 27 млн. тоннадан ортиқ нок мевалари етиштирилиб, энг кўп нок меваларини етиштирувчилар Хитой (мос ҳолда 19,4 млн. тонна), Аргентина (905 минг тонна), АҚШ (738 минг тонна), Италия (701 минг тонна) ва Туркия (472 минг тонна) давлатлари ҳисобланади”<sup>1</sup>. Аҳоли сонини ортиб бориши ва маҳсулот экспорт ҳажмини кенгайтириши нок меваларига бўлган талабни ҳам ортишига олиб келади. Ҳозирда нок меваларини етиштириш ҳажмини ошириш, экологик тоза сифатли меваларни сақлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда дунё миқёсида нок меваларини етиштирувчи кўплаб давлатларда, жумладан; Хитой, Аргентина, АҚШ, Италия ва Туркияда нок меваларини етиштириш, ҳосилдорлиги ва ҳажмини ошириш, сифатли ва экологик соф меваларни кўпайтириш ва уларни сақлаб озуқавийлиги ҳамда шифобахшлигини йўқотмаган ҳолда аҳолига етказиш бўйича олимлар томонидан кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шундай бўлсада, ҳозирда нок меваларини сақлашнинг ресурстежамкор, халқаро стандартларга мос, самарали элементларини ишлаб чиқиш, сақлашга мос нок навларини сақланувчанлигини ошириш, биокимёвий таркибини сақланган ҳолда сифат кўрсаткичларини ошириш бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган.

Республика ҳудудларида ҳам сифатли нок меваларини етиштириш уларни замонавий совуқхоналарда сифатли сақлашни такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, ижобий натижаларга эришилган. Лекин оддий нок (*Pyrus communis* L.) меваларини сақлаш технологиялари бўйича илмий тадқиқотлар етарли эмас. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг 54-бандида кўрсатилганидек, “Республика ҳудудларида 2,5 миллион тонна кувватга эга бўлган 100 та янги агрологистика марказлари фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг экспорт салоҳиятини 1 миллиард долларга етказиш” вазифаси белгилаб берилган. Бу вазифалар ижросини таъминлашда нок меваларининг сифат кўрсаткичларини пасайтирмасдан сақлаш ва табиий камайишини қисқартириш технологияларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>2</sup> фармони ва

<sup>1</sup> <https://www.statista.com/statistics/194240/us-total-pear-production-since-2023/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>3</sup>ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий уствор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” уствор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Нок меваларини етиштириш ва сақлаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари дунё олимларидан J.T.Raese, N.Narandra, F.Monzini, V.Herregods, G.Duvemeuil, МДХ давлатларидан О.В.Логачева, П.А.Скачков, В.А.Гудковский, Н.П.Понамарева, Л.В.Кузнецова, Л.В.Кожина, Ф.Б.Церевитинов, Л.А.Васильева, Л.З.Метлицкий, В.Л.Арасимович, Д.Н.Щербатко, Н.Н.Бураш, Г.В.Калиниченко, К.И.Шарова, Л.В.Метлицкий, Э.Г.Салкова, Э.В.Сопалова, Л.Т.Чайковская, М.С.Базыуряну, З.А.Седова, С.Э.Соколова, Ўзбекистонда эса Р.Р.Шредер, А.А.Рыбаков, М.М.Мирзаев, О.К.Афанасьев, С.Остроухова, И.П.Гулько, К.В.Васильев, Т.Э.Остонақулов, Ж.М.Мусаев, Э.Т.Тошматов, А.Х.Ҳамроходжаев, Ҳ.Ч.Бўриев, С.Шарипов, Р.М.Каримов, Б.Ш.Ўлмасбоев, А.У.Арипов, Б.Х.Ғуломов, Ш.Ражаметов, И.Х.Холмирзаевлар томонидан олиб борилган.

Аmmo шу кунга қадар нок меваларини етиштириш агротехнологик ҳолатини сақлаш жараёнига таъсири, нок меваларини махсус шароитларда совуткичли омборларда сақлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш, кузги ва қишки нок навлари меваларини сақлашга яроқлилиқ даражаси ва кўрсаткичларини аниқлаш, нок меваларини сақлаш давомида уларда кечадиган физиологик жараёнлар ва биокимёвий ўзгаришлар, меваларни сақлашгача ва сақлашдан кейинги жараёнда улардаги таркибий ўзгаришлар бўйича Ўзбекистонда илмий изланишлар етарли даражада олиб борилмаган. Шунинг учун ушбу диссертация тадқиқотлари юқоридаги муаммоларни ўрганиш ва ушбу технологик жараёнларни такомиллаштиришда муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш” кафедрасининг №17-1 “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлашда ресурстежамкор, замонавий технологиялардан фойдаланишни илмий асослаш

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги.

ва тавсиялар ишлаб чиқиш” мавзуси асосида бажарилган (2020-2022 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** Тошкент вилояти худудларида етиштирилган нок навлари меваларини агротехнологик шароитнинг таъсири ва сақлашдаги маҳсулот сифат кўрсаткичларини таҳлил этиб такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

нок меваларини агротехнологик шароитга ва пишиб етилиш даражасига боғлиқ равишда, морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини пишиб етилиш муддати ва шаклланиш даражасини аниқлаш;

нокнинг кузги ва қишки навлари меваларини анъанавий усулда ҳамда совутгичли омборхоналарда сақлашда табиий камайиш даражасини аниқлаш;

нок навлари меваларини сақлашгача ва сақлашдан кейинги, мева таркибидаги озикавий моддалар миқдорининг ўзгаришини таҳлил қилиш;

меваларни сақлаш жараёнида ва биокимёвий таркибининг ўзгаришига сақлашнинг усуллари ва сақлаш омборлари шароитларининг таъсирини аниқлаш;

нок меваларини мақбул усулда сақлашнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида нокнинг 4 та нави кузги “Вильямс”, “Мраморная рассошанск”, қишги “Зимняя нашвати”, “Рояль зимняя” навлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** нок меваларини агротехнологик етиштириш шароитини сақлаш жараёнига таъсири ва навлар кесимида нок меваларини сифат кўрсаткичларига, табиий йўқотиш даражасига, сақлаш жараёнида юзага келувчи турли таъсир этувчи омиллар ва узок муддат сақлаш давомида совутгичли омборхона ҳавосининг нисбий намлиги, ҳарорати ва ҳаво айланишини бошқариш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда нок меваларини сақлашга жойлашдаги сифат кўрсаткичларини аниқлашда ГОСТ 33499-2015 давлатлараро стандарти, нок меваларининг таркибидаги куруқ модда миқдорини ISO/ГОСТ 2173-2013 стандарти, нок меваларини совутгичли омборхоналарда сақлаш бўйича ГОСТ 56820-2015 стандарти, нок меваларини таркибидаги витаминларни аниқлаш ГОСТ 25999-83 стандарти, нокни сақлашгача ва сақлашдан кейинги таркибидаги моно ва дисахаридлар, органик кислоталар, пектин моддалари – карбазол усули билан; нокни татиб кўриш орқали органолептик баҳолаш ГОСТ 8756.1 стандарти билан, нок сифатини сертификатлаш ва назорат қилиш бўйича FFV-51 талаблари, маҳсулотларни органолептик таҳлил қилишда муҳимлик коэффициентларини аниқлашда Е.П.Широков ва В.И.Полегаевлар томонидан мева-сабзавотлар сифатини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган услубларидан, нок меваларининг биокимёвий таркибини таҳлил қилишда А.И.Ермакованинг «Методы биохимического исследования растений» услубий қўлланмаси асосида, тажрибаларда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили «Excel 2016» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишонччилик оралиғи билан Б.А.Доспехов (1985) услуби бўйича таҳлил қилинган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор нок меваларини агротехнологик етиштириш шароитига ва пишиб етилишдаги сифат даражасига боғлиқ равишда, морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари аниқланган;

нок меваларини етиштириш ҳудудларига боғлиқ ҳолда пишиб етилиши Қибрай ҳудудида кузги навлар август ойининг 1 декадаси қишки навлар сентябрь ойининг 2 декадасига, Бўстонлиқ ҳудудида кузги навлар август ойининг 3 декадаси ва қишки навлар октябрь ойининг 1 декадасига, Паркент ҳудудида кузги навлар август ойининг 2 декадаси ва қишки навлар сентябрь ойининг 3 декадасига тўғри келиши аниқланган;

техник пишиб етилган нокнинг кузги ва қишки навлари меваларини совуткичли омборларда сақлашда табиий камайиш даражаси Вильямс навида 2,6%, Мраморная рассошанск навида 2,2 %, Зимняя нашвати навида 1,8 %, Рояль зимняя навида 1,4 % бўлиши исботланган;

нок навлари меваларини сақлашгача ва сақлашдан кейинги, мева таркибидаги озиқавий фаол моддалар Вильямс навида сақлашдан олдин Р витамини - 1,1% сақлашдан кейин эса – 0,7%, лейкоантоцианлар миқдори сақлашгача - 0,8 % ва сақлашдан кейин - 0,6 %, Мраморная рассошанск навида сақлашдан олдин Р витамини - 1,2 % ва сақлашдан кейин - 0,8 %, лейкоантоцианлар миқдори сақлашгача - 0,7 % ва сақлашдан кейин - 0,5 %, қишки Зимняя нашватида сақлашдан олдин Р витамин - 1,1% ва сақлашдан кейин - 0,7%, лейкоантоцианлар миқдори сақлашгача - 0,8 % ва сақлашдан кейин - 0,6 %, Рояль зимняя сақлашдан олдин Р витамин - 1,2% ва сақлашдан кейин - 0,8 %, лейкоантоцианлар миқдори сақлашгача - 0,7 % ва сақлашдан кейин эса 0,5 % пасайиши аниқланган;

меваларни сақланиш жараёни ва биокимёвий таркибининг ўзгаришига турли сақлаш омборларини таъсири Зимняя нашвати навида мос равишда эрувчан пектин 25,1 мг / 100 г, пектин моддалар миқдори 23,0 мг / 100 г ва протопектин 21,4 мг / 100 г, Рояль зимняя навида эса эрувчан пектин 24,2 мг / 100 г, пектин моддалар миқдори 23,1 мг / 100 г ва протопектин 22,2 мг / 100 г бўлиши аниқланган;

меваларни турли режимларда сақлашнинг иқтисодий самарадорлиги совуткичли омборларда рентабеллик даражаси Вильямс навида 115,4 %, Мраморная рассошанск навида 107,7 %, Зимняя нашвати навида 125,9 %, Рояль зимняя навида 144,3 % ни ташкил қилиш аниқланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

нок меваларини совуткичли омборларда сақлаш учун мўлжалланган нави таркибидаги қуруқ модданинг минимал миқдори 13,2 %га етганда меваларни техник етилишнинг энг мақбул муддати эканлиги аниқланган;

нок меваларини сақлашнинг дастлабки босқичида жараёнга таъсир этувчи асосий омиллар сифатида сақлаш камерасининг ички ҳарорати, сақлаш камерасидаги маҳсулот ҳажми ва совитиш усули кабилар энг муҳим омил эканлиги аниқланган;

нок меваларини сақлаш шароитининг совуткичсиз омборхонада ҳаво

ҳарорати 14-16 °С, ҳавонинг нисбий намлиги 56-60 %; совуткичли омборхоналарда ҳаво ҳарорати 4-6 °С, ҳавонинг нисбий намлиги 80-85 % бўлганда меваларни табиий камайиши миқдорига таъсири аниқланган. Бунда меваларни сақланувчанлиги оддий омборхоналарда сақланган ҳолатга нисбатан, совуткичли омборларда (совуткичсиз омборхонада Вильямс навида 2 ой муддатда сақлаганда табиий камайиш 11,8%, Мраморная рассошанск навида 2 ой муддатда сақлаганда табиий камайиш 10,6% кузатилган бўлса, совуткичли омборхоналарда эса Вильямс навида 2 ой муддатда сақлаганда табиий камайиш 2,6%, Мраморная рассошанск навида 2 ой муддатда сақлаганда табиий камайиши 2,2%) яъни оддий омборхонага нисбатан совуткичли омборхоналарда 4-5 ой узоқроқ сақлаш имкони мавжудлиги, табиий камайишлар эса 8-10 %га камайиши аниқланган;

нок меваларини сақлаш шароитини маҳсулотнинг кимёвий таркиби ва органолептик хусусиятларига таъсири аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** лаборатория ва совуткичли омборларда тажрибаларнинг хилма-хиллиги, такрор ўтказилиши, охириги натижа сифатида ўртача арифметик қийматнинг қабул қилинганлиги ҳар йилги апробацияси ва бирламчи ҳужжатлар, илмий ҳисоботларнинг Тошкент давлат аграр университети “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш” факультетининг Илмий-техник кенгашида муҳокама қилинганлиги, тадқиқот натижаларига математик ишлов берилганлиги ва уларнинг ишлаб чиқаришга тавсия қилинганлиги, илмий-тадқиқот натижаларининг илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикамизда етиштирилган нок навларини узоқ муддат омборларда сақлаш учун техник етилиш муддатларини аниқлаш ва ташкил этиш тамойиллари ишлаб чиқилганлиги, дастлабки сақлаш жараёнини самарали ташкил этишга таъсир этувчи омиллар, узоқ муддатли сақлашда маҳсулотнинг органолептик ва физик-кимёвий муҳим сифат белгиларини сақлаб қолишда сақлаш шароитини, яъни совуткичли омборхоналарда ҳаво ҳарорати 4-6 °С, ҳавонинг нисбий намлиги 80-85 % бўлганда сақланган меваларнинг сифати юқори бўлиши илмий асосланганлиги, турли агротехнологик шароитларда етиштирилган нок меваларини сақлаш жараёнида нок меваси таркибидаги муҳим озикавий компонентларни сақлашдан кейинги ўзгариш даражаларини синов лабораторияда таҳлил қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сақлаш даврида юзага келиши мумкин бўлган жараёнлар, мева сифат кўрсаткичларининг таҳлили ўрганилиб, турли шароитларда сақланганда нок мевасини табиий камайиш даражаси аниқланганлиги, сақлаш натижасида нок мевасини кимёвий таркиби ва органолептик хусусиятларининг ўзгариши таҳлил этилиб, органолептик баҳолаш орқали сақланган маҳсулотларни сифат кўрсаткичлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Нок навлари

меваларини сақлашда турли агротехнологик етиштириш шароитини маҳсулотларни сақланишига таъсири ва сақлашни ташкил этиш технологиясининг самарали элементларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

Тошкент вилояти Паркент тумани “Gulbog' Vugxon” фермер хўжалигининг 1,5 га майдонида етиштирилган нокнинг “Мраморная рассошанск” ва “Зимняя нашвати” навлари меваларини шу фермер хўжалигига қарашли 15 тонналик сифимга эга бўлган совутгичли омборхонада 1 тонна нок меваси сақлашга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 02/029-5112 сонли маълумотномаси). Натижада тавсия этилган технология асосида сақлаш жараёни амалга оширилганда кузги “Мраморная рассошанск” навида 12172,0 минг сўм даромад олиниб, рентабеллик кўрсаткичи 107,7 % га, қишки “Зимняя нашвати” навида эса 14232,0 минг сўм даромад олиниб, рентабеллик кўрсаткичи 125,9 % эришилган.

Тошкент вилояти Қибрай тумани “JAHON IDEAL SERVICE” фермер хўжалигининг 250 т сифимга эга совутгичли омборхонада нокнинг “Вильямс” нави 3 тонна ва “Рояль зимняя” нави эса 5 тонна нок меваси сақлашга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 02/029-5112 сонли маълумотномаси). Натижада тавсия этилган технология асосида сақлаш жараёни амалга оширилганда 1 тонна кузги “Вильямс” навида 13050,0 минг сўм даромад олиниб, рентабеллик кўрсаткичи 115,4 % га, 1 тонна қишки “Рояль зимняя” навида 16308,0 минг сўм даромад олиниб, рентабеллик кўрсаткичи 144,3 % эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, шу жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, тезисларнинг эса 2 таси республика ва 4 таси хорижий конференциялар материалларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзу ва олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ҳамда муҳимлиги илмий асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари баён этилган. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ифодаланган, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотларнинг илмий

янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **Нок дарахтларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари, мева йиғим теримини ташкил этиш, мева сақлашнинг аҳамияти (адабиётлар шарҳи)** деб номланган биринчи бобида нокнинг агробиологик хусусиятлари, нокнинг дунё бўйича тарқалиш ареаллари, республикада тарқалган навлари, ўсиш шароитлари тўғрисида хориж ва маҳаллий адабиётлар маълумотлари таҳлил қилинган. Адабиёт манбаи маълумотлари нокни етиштириш ва меваларининг сақлаш технологиялари бўйича адабиётлар маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотни ўтказилган жойнинг тавсифи, объекти ва услублари”** деб номланган иккинчи бобининг биринчи бўлими тадқиқотлар ўтказилган ҳудудларнинг жойлашган ўрни ва иқлим шароитлари тавсифи деб номланиб, тажрибалар олиб борилган жойнинг тупроқ иқлим шароитлари, тавсифлари, ўтказиш шароитлари, объекти ва услублари келтирилган. Ушбу бобнинг **“Тадқиқот объекти ва услублари”** бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш схемалари, тажрибаларда қўлланилган кузатувлар ва ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, шунингдек, тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Нок меваларининг сифат кўрсаткичларига етиштириш шароитининг таъсири”** деб номланган учинчи бобининг биринчи бўлими **“Нок меваларининг пишиб етилиш даражаси ва морфологик белгиларининг кўрсаткичлари”** деб номланиб, ушбу бўлимда Тошкент вилоятининг учта ҳудудида (Қибрай, Бустонлиқ ва Паркент) нок меваларини пишиб етилиш даражалари таҳлил этилган. Шу билан бир қаторда нок меваларини техник, истеъмолбоп ва биологик пишиб етилиш даражалари ҳудудлар аро таққосланган.

Тажрибалар шуни кўрсатдики нок навларини пишиб етилиш даражалари аниқланганда кузги ва қишки навлар орасида маълум бир ўхшашликлар бўлиб бир қанча фарқлар аниқланди. Бунда кузги навларда меваларни техник пишиб етилш даражасида морфологик белгилар шуни кўрсатдики, яъни меваларни қобиғи яшил-сарғиш бўлиб, меванинг мезокарпий қисми оқ, уруғи эса оч жигарранг тусда бўлганлиги кузатилди. Нок мевалари истеъмолбоп бўлиб пишиб етилганда, меваларни уларнинг қобиғи сариқ-тилла ранг бўлиб, меванинг мезокарпий қисми оқ-сарғиш, уруғи эса жигарранг тусда бўлганлиги аниқланди. Ушбу нок навининг мевалари биологик пишиб етилган даврда эса меваларни қобиғи тўқ-сарик, меванинг мезокарпий қисми сариқ, уруғи эса тўқ жигарранг тусда бўлганлиги тажрибаларимиз давомида кузатилди.

Кузги нок навларидан Мраморная рассошанск навининг меваларини

пишиб этилиш даражалари кузатилганда, техник пишиб этилганда, меваларни қобиғи яшил-қизғиш рангда бўлиб, меванинг мезокарпий қисми оқ, уруғи эса оч жигар ранг тусда бўлганлиги, истеъмолбоп бўлиб пишиб этилганда эса, меваларни қобиғи қизғиш оловранг, меванинг мезокарпий қисми оқ-сарғиш, уруғи эса жигарранг тусда, мевалар биологик пишиб этилган даврда эса мева қобиғи оловранг, меванинг мезокарпий қисми тўқ сариқ уруғлари эса жигарранг тусда бўлганлиги кузатилди.

Қишки нок навларидан Зимняя нашвати навининг меваларини пишиб этилиш даражалари ўрганилганда, техник пишиб этилганда, меваларни қобиғи яшил-қизғиш рангда бўлиб, меванинг мезокарпий қисми яшил-оқиш, уруғи эса оч жигарранг тусда бўлганлиги, истеъмолбоп бўлиб пишиб этилганда эса, меваларни қобиғи яшил қизил доғли рангда, меванинг мезокарпий қисми оқ, уруғи эса оч жигар ранг тусда, мевалар биологик пишиб этилган даврда эса мева қобиғи яшил қизғиш меванинг мезокарпий қисми оқ-сариқ уруғлари эса жигарранг тусда бўлганлиги кузатилди

Ушбу навнинг мевалари Паркент тумани ҳудудида пишиш муддатлари ўрганилганда техник пишиб этилиш даври август ойини ўрталарида кузатилган бўлса, истеъмолбоп бўлиб этилиши август ойининг 24-25 кунларига ва биологик пишиб этилиш даври эса сентябрь ойининг 2-3 кунларига тўғри келганлиги аниқланди.

Тажрибалар давомида нокнинг кузги Мраморная рассошанск навининг пишиш муддатлари ўрганилганда техник пишиб этилиш даври август ойининг иккинчи декадаси бошланишида кузатилган бўлса, истеъмолбоп бўлиб этилиши ушбу декада охирида ва биологик пишиб этилиш даври эса сентябрь ойининг 1-2 кунларига тўғри келди.

Ушбу навнинг меваларини пишиб этилиш даражалари Бўстонлик тумани ҳудудида кузатилганда, техник пишиб этилиш даври август ойининг тўртинчи беш кунлиги ўрталарида кузатилган бўлса, истеъмолбоп бўлиб этилиши август ойини олтинчи бешкунлик бошларида ва биологик пишиб этилиш даври эса сентябрь ойини иккинчи беш кунлиги ўрталарига тўғри келганлиги кузатилди.

Тажрибалар шуни кўрсатдики нокнинг кузги навлари меваларининг пишиш даражалари таққосланганда тажрибада ўрганилган навлараро катта тафовут кузатилмади. Лекин нок навларини меваларини пишиб этилиш даражалари ҳудудлараро маълум бир кўрсаткичдаги фарқланишлар мавжудлиги аниқланди. Бунда тоғли ҳудудлардаги (Бўстонлик, Паркент) нок навларини мевалари Қибрай тумани ҳудудидаги нок навларига нисбатан 6-8 кун кечроқ пишиб этилиши кузатилди. Тажриба натижаларидан хулоса қилиш мумкинки Тошкент вилояти ҳудудида этиштирилган нок меваларини маълум бир ҳудудлар кесимида пишиб этилиш даражаларини аниқлаб ҳудудлараро катта тафовутга эга бўлмаган нок меваларини бир муддатда сақлашга йўналтириш мақсадга мувофиқ бўлади (1-жадвал).

Диссертациянинг учинчи боби “Нок меваларини этиштириш шароитини морфометрик кўрсаткичларига таъсири” деб номланган иккинчи бўлимида

нок навлари меваларини морфометрик кўрсаткичлари турли ҳудудларда етиштирилганда маълум бир ўлчамлари турлича бўлиши ўрганилганда қўйидагича бўлганлиги кузатилди. Нок навларини пишиб етилиш муддатларида меваларни вазни диаметри, узунлиги уруғларнинг вазни ва ўлчамлари бўйича тажрибалар олиб борилди.

### 1-жадвал

#### Нок меваларини етиштириш ҳудудларига боғлиқ ҳолда пишиб етилиш даражаси ва муддати (2020-2022 йй.)

Нок навлари	Ҳудудлар								
	Қибрай			Бўстонлик			Паркент		
	тех- ник пи- шиб етилиш	истеъ- молбоп пишиб етилиш	био- логик пишиб етилиш	техник пишиб етилиш	истеъ- молбоп пишиб етилиш	био- логик пишиб етилиш	техник пишиб етилиш	истеъ- молбоп пишиб етилиш	био- логик пишиб етилиш
кузги навлар									
Вильямс									
Мраморная рассошанск									
қишки навлар									
Зимняя нашвати									
Рояль зимняя									

*Изоҳ: нок меваларини пишиб етилиш даражалари ҳудудларга боғлиқ ҳолда аниқланиб сақлашга йўналтириш муддатлари ўрганилган*

Қишки навлардан Зимняя нашвати навининг мевалари пишиб муддатларига таққосланганда қўйидагича фарқланишлар аниқланди. Бунда мевалар техник пишиб етилганда бир дона меванинг ўртача вазни 168 г, истеъмолбоп бўлиб, пишиб етилганда 172 г ва биологик пишиб етилганда эса 176 г ни ташкил этганлиги тажрибаларимизда аниқланди

Нокнинг Рояль зимняя навининг мевалари пишиб етилиш даражасига қараб таққосланганда қўйидагича бўлганлиги кузатилди. Бунда мевалар техник пишиб етилганда бир дона меванинг ўртача вазни 176 г, истеъмолбоп бўлиб пишиб етилганда 181 г ва биологик пишиб етилганда эса 185 г ни ташкил этганлиги тадқиқотларимиз давомида аниқланди.

Бундан кўриниб турибдики тажрибаларимизда ўрганилаётган нок навлари меваларининг пишиб даражаларига қараб навлараро таққосланганда катта тафовут бўлганли шундаки, нок навлари турлича пишиб даврида ўзига хос нав хусусиятларига эга эканлиги маълум бўлди. Барча навларни техник пишиб етилиш даври ва истеъмолбоп пишиб етилиш даври ўртасида меваларни вазн кўрсаткичлари орасида катта тафовут кузатилмади. Айтиш мумкинки меваларни бир қанча сифат кўрсаткичлари, айнан техник ва

истеъмолбоп бўлиб пишиб етилиш даврининг ўртасида йиғиб-териб олиш ижобий натижа кўрсатиши тажрибаларимиз давомида кузатилди.

Тажрибаларимиз давомида нок меваларини турлича морфометрик кўрсаткичлари аниқланди. Бунда асосан меваларни нав хусусиятларига боғлиқ ҳолда уларнинг турлича ўлчамлари таҳлил этилди. Бунда меванинг узунлиги, диаметри, мева уруғининг вазни ва бошқа ўлчамлари бўйича тажрибалар олиб борилди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики нок меваларини пишиб даражаларига боғлиқ ҳолда уларнинг ўлчамлари турлича бўлганлиги тажрибаларимиз давомида кузатилди. Техник пишиб етилган меваларнинг маълум бир кўрсаткичлари мевалар биологик пишиб етилгандагига нисбатан бир оз фарқланганлиги маълум бўлди.

Ўрганилган кузги нок навларидан Вильямс нави техник пишиб етилган даврда мева узунлиги 7,8 см, мева диаметри 6,6 см бир дона етилган, нормал шаклланган уруғ вазни эса 0,06 г ни ташкил этган бўлса, ушбу нок нави истеъмолбоп бўлиб, пишиб етилган муддатда, мева узунлиги 7,8 см, мева диаметри 6,8 см ва бир дона тўлиқ етилган, нормал шаклланган уруғ вазни эса 0,07 г ни ташкил этди. Ушбу Вильямс нави мевалари тўлиқ биологик пишиб етилган вақтда мева узунлиги 7,8 см, мева диаметри 6,9 см ва бир дона тўлиқ ранг олиб етилган, шунингдек тўлиқ шаклланган уруғ вазни эса 0,06 г ни ташкил этганлиги кузатилди.

Кузги нок навларидан Мраморная рассопанск нави техник пишиб етилган даврда мева узунлиги 7,6 см, мева диаметри 6,7 см ва бир дона яхши етилган, тўлиқ шаклланган уруғ вазни эса 0,07 г ни ташкил этган бўлса, ушбу нок нави истеъмолбоп бўлиб пишиб етилган муддатда, мева узунлиги 7,7 см, мева диаметри 6,9 см ва бир дона етилган, деярлик тўлиқ шаклланган уруғ вазни эса 0,08 г ни ташкил этганлиги аниқланди. Ушбу нок нави мевалари тўлиқ биологик пишиб етилган муддатда мева узунлиги 7,7 см, мева диаметри 6,9 см ва бир дона тўлиқ етилган, ҳамда шаклланган уруғ вазни эса 0,06 г ни ташкил этганлиги тажрибаларимиз давомида кузатилди.

Тажрибаларимизда ўрганилган қишки нок навларидан Зимняя нашвати нави техник пишиб етилган даврда мева узунлиги 7,2 см, мева диаметри 6,1 см ва бир дона деярли етилган, яхши шаклланган уруғ вазни эса 0,05 г ни ташкил этган бўлса, ушбу нок нави истеъмолбоп бўлиб пишиб етилган муддатда, мева узунлиги 7,4 см, мева диаметри 6,6 см ва бир дона яхши етилган, ҳамда шаклланган уруғ вазни эса 0,07 г ни ташкил этди. Ушбу Зимняя нашвати нави мевалари тўлиқ биологик пишиб етилган муддатда мева узунлиги 7,4 см, мева диаметри 6,6 см ва бир дона тўлиқ етилган, ҳамда шаклланган уруғ вазни эса 0,06 г ни ташкил этганлиги кузатилди.

Қишки нок навларидан Рояль зимняя нави техник пишиб етилган даврда мева узунлиги 7,4 см, мева диаметри 6,5 см ва бир дона деярли етилган, ҳамда яхши шаклланган уруғ вазни эса 0,07 г ни ташкил этган бўлса, ушбу нок нави истеъмолбоп бўлиб пишиб етилган муддатда, мева узунлиги 7,4 см, мева диаметри 6,6 см ва бир дона яхши етилган, ҳамда шаклланган уруғ вазни эса 0,07 г ни ташкил этганлиги аниқланди. Ушбу нок нави мевалари тўлиқ

биологик пишиб этилган муддатда мева узунлиги 7,4 см, мева диаметри 6,6 см ва бир дона тўлиқ этилган, ҳамда шакланган уруғ вазни эса 0,06 г ни ташкил этганлиги тажрибаларимиз давомида кузатилди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Нок навлари меваларининг турли пишиб этилиш даражасини уларнинг морфометрик кўрсаткичларига таъсири (2020-2022 йй.)

Нок навлари	Нок меваларини турли пишиб этилиш даражалари								
	техник пишиб этилиш			истеъмолбоп пишиб этилиш			биологик пишиб этилиш		
	мева узунлиги, см	мева диаметри, см	бир дона уруғ вазни, г	Мева узунлиги, см	мева диаметри, см	бир дона уруғ вазни, г	мева узунлиги, см	мева диаметри, см	бир дона уруғ вазни, г
кузги навларда									
Вильямс	7,8	6,6	0,06	7,8	6,8	0,07	7,8	6,8	0,06
Мраморная рассошанск	7,6	6,7	0,07	7,7	6,9	0,08	7,7	6,9	0,07
қишки навларда									
Зимняя нашвати	7,2	6,1	0,05	7,2	6,4	0,06	7,2	6,4	0,05
Рояль зимняя	7,4	6,5	0,07	7,4	6,6	0,07	7,4	6,6	0,06

*Изоҳ: нок меваларини пишиб этилиш даражалари ҳудудларга боғлиқ ҳолда аниқланиб, сақлашга йўналтириши муддатлари ўрганилган.*

**Диссертациянинг тўртинчи боб** “Сақлаш давомида кузги ва қишки нок меваларида содир бўладиган биокимёвий ўзгаришлар” “Нокнинг кузги ва қишки навларини сақлашда табиий камайишига ва мева сифатига сақлаш омборларидаги муҳитнинг таъсири” деб номланган биринчи бўлимида муайян нок навлари меваларининг куз ёки қишки пишиб этилиш муддатларига қараб, товарлилиги, биокимёвий таркиби ва органолептик кўрсаткичлари турлича кўринишда бўлади. Бизга маълумки нокнинг кузги навлари қисқа муддат давомида сақланади. Кузги навлар асосан янги даврида истеъмолга йўналтирилиб, кўп ҳолатларда сақлашга ва қайта ишлаш учун ҳам тавсия этилади. Биз тажрибаларимизда нокнинг сақлашга яроқли кузги навларидан Вильямс ва Мраморная рассошанск навлари меваларини сақлашда уларда кечадиган биокимёвий жараёнлар таҳлили ўрганилди.

Бунда ушбу навларни оддий сақлаш омборларида сақланиш жараёни назорат сифатида олиниб тажрибалар замонавий совуткичли омборхоналарда ўтказилди. Бунда назоратга нисбатан совуткичли омборхонадаги ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлик даражаси турлича ўлчамларда таъминланиб нок меваларини сақланувчанлиги давомийроқ бўлиши кузатилди.

Тажрибаларимиз давомида вақтинчалик омборхоналарда ўртача ҳаво ҳарорати 14-16°C ва нисбий намлик ўртача 56-60 % таъминланган бўлса, совуткичли омборхоналарда турлича ҳаво ҳарорати таъминланиб нок меваларини сақлаш жараёнлари ва сақланувчанлиги аниқланди.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики назоратда яъни оддий омборхоналарда сақланган нок меваларини табиий камайиши 8-12 % гача кузатилган бўлса, совуқхоналарда бу кўрсаткич анча ижобий натижа кўрсатганлиги аниқланди. Кузги нок меваларини омборхоналарда сақлаш давомида улардаги микробиологик бузилишлар, айниқса кузги навларда кўпроқ мойиллиги кузатилди. Меваларни совуткичли омборларда сақланиши икки ой давом этган бўлса, улардаги табиий камайишлар даражаси 2,2-2,6 % ни ташкил этди. Навлараро бу кўрсаткич бир оз фарқланганлиги аниқланди. Ушбу сақлаш жараёнида сақлаш омборидаги ҳарорат +6 °C ва ҳавонинг нисбий намлиги 80-85 % ни ташкил этди.


**Диссертациянинг тўртинчи боб** “Кузги ва қишки нок навлари меваларини сақлаш давомида биокимёвий ўзгаришлар динамикаси” деб номланган иккинчи бўлимида нок меваларини сифатли сақлашда, мева сифатининг биокимёвий кўрсаткичлари билан баҳоланади. Тошкент вилояти тупроқ-иқлим шароити нок мевалари таркибида турли миқдорда курук моддаларни тўплаш имконини бериши тажрибаларимизда кузатилди. Нок меваларини сақлаш давридаги ўзгаришлар, кузги навларда турлича бўлиши аниқланди.

Тажрибаларимизда кузги нок навининг мевалари совуткичли омборхоналарга сақлашга қўйиш олдидан улар ўртача 14,2% курук моддаларни тўплаган ҳолда сақлашга жойлаштирилган бўлса, меваларни 2 ой сақлаш давомида уларда полисахаридларнинг гидролизланиши туфайли 14,9% гача курук моддалар кўпайиши кузатилди. Бунда энг яхши кўрсаткич тажрибаларимизда ўрганилаётган кузги нок навларидан Вильямс навида бўлганлиги аниқланди.

Кузги навларимиздан Мраморная рассошанск навида шунга ўхшаш ўзгаришлар юз бермади ва мевалар 2 ойлик сақлаш давомида улардаги курук моддалар таркиби 0,2% га камайган, эрувчан қаттиқ моддаларнинг 1,3 ва 1,5 % йўқотилиши ва уларнинг динамикаси чизикли равишда камайиб борувчи тенденцияга эга эканлиги аниқланди. Мевалар таркибидаги қанднинг умумий миқдори эса бу навлар учун курук моддалар каби ўзгариш динамикасига эга бўлганлиги кузатилди.

Тажрибаларимизда ўрганилган кузги нок навларидан юқори кислоталилик Мраморная рассошанск навида бўлиб, 0,49 % ни ташкил этди. Қолган навларнинг умумий кислоталилик қиймати сақлаш даврида 0,26-0,34 % дан иборат бўлиб, ўзгариб борди ва физиологик жараёнлар давомида камайганлиги кузатилди. Бундан ташқари, кислоталарнинг максимал камайиши Вильямс навида бўлиб 0,14% гача пасайганлиги кузатилди. Нок меваларини сақлаш натижасида қанд ва кислоталарнинг умумий миқдорининг ўзгариши мевадаги қанд-кислота индексининг ўзгаришига сабаб бўлди. Нок мевалари 2 ой сақлангандан сўнг улар таркибидаги қанд

миқдори 21,6-33,5 % ни ташкил этди. Кузги нок навларида икки ойлик сақлашдан сўнг тиним даврини ўтаб бўлган, меъёрида етилган нок меваларидаги С витамини камайган, бу эса ушбу кўрсаткичнинг меваларни сақлаш ҳароратига боғлиқлигини акс эттиради. Нок меваларини сақлашнинг якуний босқичида ушбу навлар учун биологик фаол моддаларнинг таҳлили мос равишда Вильямс навида 1,1%, 0,5%, 0,8%, 0,6% ни, Мраморная рассошанск навида эса 1,1%, 0,6%, 0,9%, 0,7% ни, ташкил этганлиги кузатилди. (1-расм).




**1-расм. Нок меваларини оддий омборхоналарда сақлашнинг якуний босқичида ушбу кузги навлар таркибидаги биологик фаол моддаларнинг сақлашдан олдинги ва кейинги таҳлили**

Тажрибаларимизда ўрганилаётган кузги нок навлари меваларини оддий омборхона шароитида қисқа муддатда яъни, биз олиб борган тажрибаларимизда энг кам бўлган 45-50 кун давомида сақланиши ижобий натижа кўрсатди. Бунда мевалар таъми яхши бўлиб, уларнинг товарлилик хусусиятлари талаб даражада яхши сақланиб қолинганлиги кузатилди. Оддий омборхоналарда нокнинг кузги нави мевалари 50 кундан ортиқ сақланиши натижасида уларнинг сифати пасайиши, ҳамда яроқсиз ҳолатга ўтиши ва ушбу меваларни қайта ишлашга йўналтириш талаб этилиши кузатилди.

Диссертациянинг тўртинчи боб “Қишки нок навларини сақлаш давомида меваларидаги биокимёвий жараёнларнинг ўзгаришлар динамикаси” деб номланган бўлимида қишки нок навлари меваларини сақлаш давомида уларни тиним даврида аста-секин пишиб етилиши кузатилади. Меваларда пишиб етилиш давригача бир қанча ўзгаришларни кузатиш мумкин бўлади. Нок меваларини қобиғи (экзокарпий) қисми пишиқ ва қалин, мева эти (мезокарпий) зич бўлса уларнинг сақланувчанлиги юқори бўлади. Биз тажрибаларимиз давомида ўрганилаётган нок навларини ушбу хусусиятлари таҳлил этдик ва ўргандик. Тошкент вилояти ҳудудларида етиштирилаётган

қишки нок навлари юқорида айтиб ўтилган жихатлари билан ажралиб туради. Сўнги йилларда нок меваларини узоқ муддатга сақлашда бир қанча серҳосил нок навларини бир қатор кўрсаткичлар бўйича янги навларни танлаш ҳисобига меваларни сақлаш давомийли узайганлигини айтиб ўтишимиз жоиз.

Сақлаш давомида нокнинг турли хил навларининг Р-фаол моддаларининг динамикасини таққослаш орқали полифенол моддаларни ҳосил бўлиш даражаси турлича эканлиги аниқланди. Нок меваларида ушбу биокимёвий кўрсаткичнинг максимал ҳосил бўлиши Зимняя нашвати навида эрувчан пектин - 25,1 мг/100 г, пектин моддалар - 23,0 мг/100 г ва протопектин - 21,4 мг/100 г. Шунингдек Рояль зимняя навида эса ушбу моддалар мос равишда 24,2 мг/100 г, 23,1 мг/100 г ва 22,2 мг/100 г ни ташкил этди (2-расм).



**2-расм Сақлаш давомида нокнинг турли хил навларининг Р-фаол моддаларининг динамикасини таққослаш орқали полифенол моддаларни ҳосил бўлиш даражаси турлича эканлиги аниқланиб нок меваларида ушбу биокимёвий кўрсаткичларнинг максимал ҳосил бўлиши даражаси**

Нок навлари меваларини сақлаш давомийлиги кўп жихатдан мева таркибидаги пектин моддалар, мева таркибидаги дастлабки сақлаш давридаги мавжуд протопектин билан ифодаланади. Мева ҳосил бўлиш даврида протопектин миқдори эрувчан пектинларга нисбатан устун бўлиб кейинчалик унинг миқдори ва пектин моддаларининг умумий миқдори секинлик билан камаяди ва бир вақтнинг ўзида ортиб бориши кузатилади

**Диссертацияни тўртинчи боб “Нок меваларини сақлашнинг иқтисодий самарадорлиги” деб номланган бўлимида** Нок меваларини сақлашда ва уларни иқтисодий самарадорлигини таҳлил этишда маҳсулотларнинг сақлаш муддати (товар навлари бўйича сифат кўрсаткичлари), сақлаш шароитлари, сақлаш харажатлари, мева таннархи ва сотиш нархи бўйича таҳлил этилди. Ушбу кўрсаткичлар асосида сақлашнинг

фойдаси ва рентабеллиги аниқланди. Мева сифатига кўра, мевалар тўртта товарбоплик синфига ажратилди. Норматив ҳужжатларга кўра, бундай меваларни пастроқ савдо навига ўтказиш билан сақлаш даврида баъзи физиологик жараёнлар туфайли меваларда қисман табиий камайишлар кузатилгани эътиборга олинди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Нок меваларини етиштириш ҳудудларига боғлиқ ҳолда пишиб етилиш даражаси ва муддати таҳлил этилди. Бунда Қибрай ҳудудида кузги навлар август ойининг 1 декадаси қишки навлар сентябрь ойининг 2 декадаси, Бўстонлик ҳудудида кузги навлар август ойининг 3 декадаси ва қишки навлар октябрь ойининг 1 декадаси, Паркент ҳудудида кузги навлар август ойининг 2 декадаси ва қишки навлар сентябрь ойининг 3 декадасида йиғим теримини амалга ошириш ва сақлашга йўналтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2. Нок меваларини сақлашга жойлаштиришда морфологик белгилари инобатга олинган ҳолда меваларнинг маълум бир ўлчамда бўлиши талаб этилади. Бунда нок навларини таснифига кўра меваларни морфометрик ўлчамлари аниқланса сақлаш давомийлиги ва сифатли сақланиши кафолатланади.

3. Техник пишиб етилган нок навларини мевалари совуткичли омборхоналарда ҳарорат 4-6 °C ва ҳавонинг нисбий намлиги 80-85 % бўлганда сақланган маҳсулотларда табиий камийиш даражаси паст кўрсаткичда бўлади. Бунда Вильямс навида 2,6%, Мраморная рассошанск навида 2,2 %, Зимняя нашвати навида 1,8 %, Рояль зимняя навида 1,4 % сақланган маҳсулотларда табиий камийишлар кузатилган.

4. Техник пишиб етилган нок навлари меваларини совуткичли омборхоналарда ҳарорат 4-6 °C ва ҳавонинг нисбий намлиги 80-85 % да сақланганда нок меваларида биокимёвий кўрсаткичларнинг максимал ҳосил бўлиши Зимняя нашвати навида эрувчан пектин - 25,1 мг/100 г, пектин моддалар - 23,0 мг/100 г ва протопектин - 21,4 мг/100 г. Шунингдек Рояль зимняя навида эса ушбу моддалар мос равишда 24,2 мг/100 г, 23,1 мг/100 г ва 22,2 мг/100 г ни ташкил этади.

5. Нок меваларини совуткичли омборхоналарда сақлашда давомида мевалар таркибидаги аскорбин кислотасининг асосий ўзгариши диапазони 6,4-7,3 мг/100 г оралиғида бўлиб, қишки нок навларининг мевалари таркибидаги аскорбин кислотаси юқори бўлган.

6. Нокнинг қишки навлари мевалари совуткичли омборларда сақланганда, тўрт ойдан сўнг ва сақлаш якунига қадар ҳам микробиологик бузилишлар ҳамда йўқотишлар жуда паст кўрсаткичда бўлганлиги, қишки нок навлари совуткичли омборхоналарда ҳаво ҳарорат 4-6 °C ва ҳавонинг нисбий намлиги 80-85 % бўлганда нокнинг Зимняя нашвати ва Рояль зимняя навлари меваларини сақланувчанлиги юқори кўрсаткичда бўлган.

7. Нок мевалари совуткичли омборхоналарда сақланганда ҳаво ҳарорати 4-6 °C, ҳавонинг нисбий намлиги эса 80-85 % ни ташкил этганда маҳсулот

тўрт ой давомида сақланиб таҳлил этилганда нокнинг Зимняя нашвати навида I-нав меваларни чиқиш фоизи 91,1 % ташкил этган бўлса II-нав мевалар 4,1 % ни ташкил этди. Меваларни III-нав кўрсаткичлари эса 2,4 %, ностандарт мевалар эса 2,1 % ва яроқсиз бўлган (чириган, бузилган) мевалар эса 0,3 % ни ташкил этган.

8. Нок меваларини совутгичли омборларда сақланганда 1 тонна мевадан Вильямс навида 13 млн 050 минг, Мраморная рассошанск навида 12 млн 172 минг, Зимняя нашвати навида 14 млн 232 минг, Рояль зимняя навида эса 16 млн 308 минг соф фойда олишга эришилади.

9. Нок меваларини совутгичли омборларда сақланганда 1 тонна мевадан Вильямс навида 115,4 %, Мраморная рассошанск навида 107,7 %, Зимняя нашвати навида 125,9 % Рояль зимняя навида эса 144,3 % рентабелликка эришилади.

нок меваларини сақлашга йўналтиришда бир хил ҳудудда етиштирилган нок меваларини сақлаш тавсия этилади.

нок меваларини сақлашга йўналтиришда асосан техник пишиб этилган ва бир хил навлардан иборат бўлган мевалар сақлашга йўналтирилса ижобий натижага эришилади.

нок меваларини совутгичли омборхоналарда сақлашда ҳаво ҳарорати 4-6 °C ва ҳавонинг нисбий намлиги 80-85 % бўлиши таъминлаш натижасида махсулот узок вақт давомида сақлаш имкони мавжуд бўлади.

нок меваларини совутгичли омборхоналарда сақлашда асосан қишки навлардан Зимняя нашвати ва Рояль зимняя навларини сақлаш тавсия этилади.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСВОЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.05/29.04.2022.QX.13.04 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ДЖАББАРОВ ЗИКРИЛЛО АБДУМАХСУДОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ХРАНЕНИЯ  
ПЛОДОВ ГРУШИ ОБЫКНОВЕННОЙ (*Pyrus communis. L*)**

**06.01.11 – Хранение и переработка сельскохозяйственной продукции**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Ташкент - 2024**

Диссертация доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан под номером B2023.3.PhD/Qx1224

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском и английском) - (резюме) на сайте Ученого совета ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) и на информационно-образовательном портале «Знoвет» ([www.zinovet.uz](http://www.zinovet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Исламов Сахиб Яхшибекович,</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Долаев Кочкор Одилевич,</b> доктор технических наук, профессор. <b>Шамшиев Джафар Абдусаломович,</b> Доктор философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам
<b>Ведущая организация:</b>	<b>НИИ садоводства, виноградарства и виноделия имени академика М.Мирзоева</b>

Защита диссертации состоится "5" апреля 2024 года в 16:00 на заседании Ученого совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете, адрес: 100164, Ташкент, ул. Университетская, 2-й корпус. Тел.: (+99871) 260-48-00, факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [taag-info@edu.uz](mailto:taag-info@edu.uz), административный корпус ТашГАУ, 1 этаж, конференц-зал.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрированный номер №550573). Адрес: 100164, г.Ташкент, ул. Университетская, 2-й корпус. Ташкентский государственный аграрный университет, здание информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43)

Автореферат диссертации распространен "20" марта 2024 года.  
(протокол реестра №8 "27" февраля 2024 г.).



  
**Дж.Н. Файзиев,**  
Заместитель председателя Ученого  
совета по присуждению ученых  
степеней, д.с.-х.н., профессор.

  
**М.З. Халмуратов,**  
Учебный секретарь ученого совета по  
присуждению ученых степеней,  
доктор философии (PhD)  
сельскохозяйственных наук, доцент.

  
**С.А. Юнусов,**  
Председатель научного семинара при  
учёном совете по присуждению  
учёных степеней, д.с.-х.н., профессор.

## ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** Фрукты занимают важное место в рационе питания населения мира и занимают лидирующие позиции как экспортный товар. В настоящее время из семенных пород особое внимание уделяется увеличению производства груш, а также сохранению их качества. Всего в год в мире выращивается более 27 млн. тонн груш, в том числе крупнейшими производителями являются Китай (19,4 млн тонн), Аргентина (905 тыс. тонн), США (738 тыс. тонн), Италия (701 тыс. тонн) и Турция (472 тыс. тонн)<sup>1</sup>. С увеличением населения и расширением экспорта продукции также повышается спрос на груши. В настоящее время одной из актуальных задач является увеличение объемов производства груш и поддержание экологически чистого качества плодов.

В настоящее время во многих странах мира, в том числе Китае, Аргентине, США, Италии и Турции, ученые проводят множество научных исследований по выращиванию экологически чистых плодов груш, увеличению их урожайности и размеров, повышению качества и доставке их населению без потерь питательных и целебных свойств. Тем не менее, в настоящее время особое внимание уделяется разработке ресурсосберегающих, эффективных методов хранения плодов груш в соответствии с международными стандартами, позволяющих увеличить сроки хранения сортов груш, а также повысить качественные показатели при сохранении их биохимического состава.

На территории нашей республики были проведены научные исследования по хранению в современных холодильных складах плодов груш, улучшению их качества, а также достигнуты положительные результаты исследований. Однако, в современных условиях, научных исследований, проводимых по технологиям хранения плодов груши обыкновенной (*Pyrus communis* L.) недостаточно. Согласно пункту 54 Указа Президента Республики Узбекистан № УП-158 от 11.09.2023 г «О стратегии «Узбекистан-2030», на основе приобретенного в процессе реализации Стратегии развития Нового Узбекистана опыта и результатов общественного обсуждения была разработана Стратегия «Узбекистан-2030», которая указывает, что необходима «Организация на территориях республики деятельности 100 новых агрологистических центров мощностью 2,5 миллиона тонн и доведение их экспортного потенциала до 1 миллиарда долларов». Для обеспечения выполнения вышеуказанных задач актуальное значение имеет разработка технологий сохранения и сокращения естественной убыли плодов груши без снижения их качественных показателей.

Данное диссертационное исследование служит реализации задач, поставленных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-5388 от 29 марта 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию

---

